Ушбу сонда:
2 ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР
3 «Ишонч» фош этади НАЗОРАТ ТАРОЗИСИ ЙЎҚОЛГАН... ЭМИШ
4 Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари САМАН ОТ РИВОЯТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 9 июл, сешанба №109 (1326)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОҚТОВ САФАРИ

**Президент Ислом Каримов 6-7 июл кунлари Марказий Осиё давлатлари ва Россия раҳбарларининг Қозоғистоннинг Оқтов шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммитида иштирок этди**



Қўшни мамлакатларнинг интеграциялашувида бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга. Гарчи Оқтов учрашуви норасмий тарзда ўтган бўлса-да, давлатлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутади.

Учрашувлар Қозоғистон президентининг шаҳардаги қароргоҳида бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Президентлар суҳбатида икки дўст мамлакатнинг ўзаро муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг норасмий учрашувида асосий эътибор ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция жараёнларини янги босқичга кўтариш, шунинг асносида коммуникация, энергетика, транспорт соҳаларида ҳамкорлик, сув ва ҳаво йўлларидан янада унумли фойдаланиш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, экстремизм, наркобизнес каби иллатларга қарши биргаликда курашиш масалаларига қаратилди. Томонлар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирар экан, масалалар ечими давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик ва тенг манфаатлилик асосига таяниши, айниқса, иқтисодий муаммолар ечимини баҳамжиҳат ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

Президентлар Оқтовдаги ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз ва тожик миллий маданияти марказлари фаолияти билан танишди. Мазкур шаҳарда юзга яқин миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилади.

Оқтов - Каспий денгизи соҳилидаги шаҳар. Сўнгги йилларда ундаги денгиз порти янада кенгайтирилди ва замонавий асосда таъмирланди. Саммит қатнашчилари порт фаолияти билан ҳам танишди.

**Ф.МАҲМУДОВ (ЎзА).**

## ФАХРИЙЛАР УЙИ

***Андижондаги «Ўзгариш» маҳалласи фаоллари ва оқсоқоллари ташаббуси билан Тошлоқ гузарида фахрийлар уйи барпо этилди.***

*Бу хайрли ишдан тадбиркорлар ҳам четда қолишмади. Улар фахрийлар уйини қурилиш ашёлари, мебел ва бошқа жиҳозлар билан таъминлади.*

*Эндиликда маҳалла оқсоқоллари бу ерда йиғилиб бир пиёла чой устида суҳбат қилишади. Гузарда фахрийлар уйидан ташқари новвойхона, сартарошхона ва устахоналар ҳам қуриб ишга туширилди.*

**«Туркистон-пресс»**

## ХЎЖАЛИКНИНГ КЎМАГИ

Қизилтепа туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида инфратузилмани шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хўжалик ҳудудидаги тўққизта қишлоқ тўла газлаштирилди. Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан қишлоқ йўлларини асфальтлаш охирлаб қолди. Жумладан, хўжалик ҳисобидан ўтган йили 1,5 километрлик йўл асфальт қилинган бўлса, бу йил 1 километр йўл тўла созловдан чиқарилади. Худди шунингдек, олтмиш фоиз қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланган. Бу йил Юқсин, Сўфиён, Гулибаз, Таллайхоб қишлоқларига 6 километрлик сув қувурлари тортиш режалаштирилган.

Хўжалик ўз ҳудудидаги мавжуд 3та мактаб ва шифо масканларига доимий оталиқ ёрдами кўрсатмоқда. Имзоланган шартномага асосан дала меҳнаткашларига кўпгина муолажалар бепул ўтказилади.

Хўжаликнинг «Дўстлик» ўйингоҳи доимо спортчилар билан гавжум. Бу ерда турли спорт тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. «Авангард» футбол жамоаси ўтган йили қишлоқ ёшлари ўртасида ўтказилган республика биринчилиги ғолиби бўлди. Касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари дам олишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хўжалик ҳудудидаги «Дўстлик» оромгоҳида ҳар йили 60 бола хўжалик ҳисобидан мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Уларнинг аксариятини кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ташкил этмоқда.

## ЙЎЛЧИ МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

Навоий вилояти Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмитаси яқинда ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Қўмита ўтган давр мобайнида меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий, оммавий тадбирларни ўтказишда катта ишларни амалга оширди. Жумладан, 2059 нафар тармоқ ходимлари санаторий ва дам олиш уйларида соғлиқларини қайта тиклаб қайтишди. Тармоқ ходимларининг 407 нафар фарзандлари сўлим болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди. Зарафшон, Учқудуқ, Навоий, Хатирчи туманларида спортнинг 5 тури бўйича спартакиадалар ўтказилди. Шу йил республика тармоқ қўмитасининг Тошкент шаҳрида ўтказилган спартакиадасида соҳа ходимлари волейбол ва мини футбол бўйича фахрли ўринларни эгаллаб қайтишди.

Қўмита айни кунларда йўлчилар манфаатини ҳар томонлама ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш тадбирларига катта эътибор қаратмоқда.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ИСТЕЪДОДЛАР МАКТАБИ

Тошкент вилоятидаги «Меҳржон» оромгоҳида «Агроистеъдод-2002» ёзги мактаби очилди. Уни Халқ таълими вазирлиги Республика ўқувчилар техника ижодиёти маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.

Мактабда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги техника ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги таълим муассасаларининг иқтидорли ўқувчилари ёзги ҳордиқ чиқариш билан бирга агрономия, қишлоқ хўжалиги, экология, техника фанлари бўйича билим ва кўникмасини оширади. Таниқли олим, мутахассис ва ўқитувчилар иштирокидаги туркум машғулотларда қатнашади.

Таҳсил кунлари турли кўрик-танловлар, беллашувлар, давра суҳбатлари ўтказилади.

**(ЎзА).**

## БОЁВУТЛИКЛАР ЗАФАРИ

Боёвут тумани ғаллакорлари давлатга дон сотиш шартномавий-режасини муваффақиятли бажарди. Давлат буюртмаси ҳисобидан элеваторларга 26047 тонна дон жўнатилди. «Ғаллакор», «Наврўз», «Тараққиёт», «Боёвут-1», У.Юсупов номидаги ширкат хўжаликлари деҳқонлари суғориладиган майдонлардан энг кўп ҳосил олишди.

Тумандаги 108 та деҳқон-фермер хўжалиги ва оилавий пудрат асосида ишлаган 37 та звено ҳосилдорликни гектаридан 50 центнергача етказди.

Туманда ҳали ҳосил йиғиб олинмаган майдонлар кўп. Боёвутликлар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга қўшимча 2500 тонна дон топширишга қарор қилди.

## ИҚТИСОДЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бакалавриат ва магистратура босқичлари битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов мазкур илм даргоҳида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган вазифалар изчил амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ҳозирги кунда 6 минг беш юзга яқин талаба таълим олаётган мазкур университет базасида иқтисодиёт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, иқтисодиёт лицейи, касб-ҳунар коллежи, гимназия, ихтисослаштирилган махсус бизнес мактаби ишлаб турибди. Бу ерда жаҳоннинг ривожланган давлатларидаги нуфузли ўқув юртлари, илмий-тадқиқот марказлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Маросимда ўқишда аъло кўрсаткичларга эришган битирувчиларга махсус совғалар топширилди.

**(ЎзА).**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

## ФЕРМЕР ТАЛАБА БЎЛМОҚЧИ

Сўрида чой ичиб утирган Тўхтамурод ака олдига ўғли Аброр келди.

— Ҳа ўғлим, ишларинг яхшими?

— Ота, ғалладан бу йил мўл ҳосил олдик, маҳалладаги кўп болали оилаларга бир қисмини тарқатсак, дегандим.

— Баракалла, ўғлим, яхши ният қилибсан, умрингдан барака топ.

Ўша куни маҳалланинг бир неча хонадонига янги ҳосилдан улуш тортиқ қилинди. Дарвоқе, ўтган йили ҳам маҳалла жамғармасига, камхарж оилаларга сарфлаш учун 100 минг ўтказилиб берилган эди.

Аброр Ғаниев ҳали ёш. Энди 21 баҳорни қаршилади, шунга қарамай деҳқончилик сир-асрорларидан анча воқиф. Икки йилдирки Денов туманидаги «Ғалаба-2» фермер хўжалигига бош-қош. Ўтган йили 16 гектар майдоннинг 8,5 гектарига ғалла, 7,5 гектарига пахта экиб, эл оғзига тушди. Айниқса, пахтадан олинган ҳосил кунни кўрган тажрибали деҳқонларни ҳам ҳайратга солди, очиғи, «ёш бола»нинг гектаридан 50 центнердан хирмон кўтарганига дастлаб ишонишмади ҳам. Лекин барча сир-синоат авваламбор ер билан тиллашиб, унга қалб қўрини тўкишда эканлигини у аллақачонлар отасидан билиб олган эди. Уста деҳқон Тўхтамурод аканинг йўл-йўриқлари, панд-насиҳатлари, зарур бўлганда танбеҳ-дашномлари изсиз кетмади. Ғўза вақтида парвариш қилинди, оби-тобида суғорилди, маҳаллий ва маъданли ўғитлар билан түйинтирилди. Энг муҳими, далада меҳнат қилган 18 нафар ишчи бир тан бир жон бўлиб, юқори ҳосил учун астойдил тер тўкди ва охир-оқибат ўз меҳнати самараси ўлароқ ён-атрофдаги фермерларга қараганда кўпроқ даромад эгаси бўлди.

«Ғалаба-2» фермер хўжалиги меҳнаткашлари учун бу йил ҳам баракали бошланди. 8,5 гектар ғалладан гектарига 72,4 центнердан ҳосил олинди. Режа ортиғи билан бажарилди. Фермер хўжалиги аъзоларига 34 тоннадан ошиқ сара дон қолди. Рўзғордан кўнгли тўқ одамнинг меҳнатга рағбати ҳам юқори бўлади, деганларича бор. Айни кунларда пахта пайкалларида иш қизғин. Юксак хирмон учун чилла пайтида жонни бироз койитиш лозимлигини бобо деҳқон яхши билади. Улар яна шуни билишадики, мўл ҳосил, бу охир-оқибат дастурхон тўкинлиги. Даромадга қараб буромад, деб бежиз айтмайдилар. Ҳозирданоқ кимдир тўй қилиш, уй солиш тадоригида.

Аброрни ҳам ташвишлари ўзига етарли. У бу йил олий ўқув юртида бўладиган тест синовига қизғин тайёрланмоқда. Пахта очилгунча мен ҳам талаба бўлиб оламан, дейди у ишонч билан.

**Ж.ТЎЛҚИНОВ.**

*Ижтимоий муҳофаза*

## МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИК

### НИМА ҲИСОБИГА КАМАЙМОҚДА

***Фарғона вилоят касаба уюшмалари Кенгаши инсон омили билан боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу ишда битим ҳамда жамоа шартномалари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти. Шу боисдан ҳам жамоа шартномаларини тузиш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан берилаётган барча тавсиялар бошланғич ташкилотга етказилди ва унинг барча бандлари бажарилишига амалий ёрдам берилмоқда. Натижада жамоа шартномаси бўйича ҳар бир касаба уюшма аъзосининг манфаатдорлик даражаси вилоят бўйича 24470 сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 8829 сўмга кўпдир.***

Жорий йилда Вазирлар Маҳкамаси Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчиларнинг жавобгарлигини ошириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ушбу қарорда жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари, вазирликлар ҳамда идоралар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Фарғона вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ўзининг раёсат йиғилишида мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Натижада қарздорлик вилоят бўйича сезиларли даражада камайди.

Фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда улардан тушган ёзма ҳамда оғзаки мурожаатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.Тушаётган аризаларнинг асосий қисми товон пули, нафақа тўлаш, ишдан ноҳақ бўшатиш, касаллик группасига чиқиш, меҳнат таътили масалаларига бағишланган бўлиб, уларнинг ижроси тезкор равишда амалга оширилмоқда.

Шу ўринда вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ишларига тўхталиб ўтиш жоиз.

Тармоқ қўмитаси тизимида 120 та ҳиссадорлик жамиятлари, 147 та ширкат хўжаликлари, 14 та хўжаликлараро бўрдоқичилик корхоналари, 33 та жамоа хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳудудий бирлашма, бошқарма ҳамда уюшмалар билан тармоқ вилоят қўмитаси ўртасида 7 та, туман қўмиталари билан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ўртасида 15 та битим, тизимдаги корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларда 558 та жамоа шартномалари амал қилмоқда. Ўтган йил якунлари шуни кўрсатдики, тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш учун 9 миллиард 334 миллион сўм сарфланган. Бу ҳар бир ишчи-хизматчига 32.7 минг сўмдан тўғри келади деганидир. Юқоридаги битим ҳамда жамоа шартномалари орқали жами 300 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзоларининг манфаатлари қамраб олинди.

Жорий йилда эса бу соҳадаги ишларни янада яхшилаш мақсадида барча тармоқда вилоят касаба уюшма қўмитаси раёсатининг қарорига биноан ўқув семинарлари ўтказилди. Мазкур ўқув семинарларида ўтган йил амал қилган жамоа шартномалари ҳисоботларини тузиш, 2002 йил учун тузилаётган ҳужжатларга Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ишлаётган отахонларга турли имтиёз ва кафолатлар яратиш бўйича тавсиянома ҳамда кўрсатмалар берилди. Унга асосан шу йил 50 нафар меҳнат фахрийлари «Чимён» санаторийсида ҳордиқ чиқаришди.

Тармоқ бўйича ишдан озод қилинганларнинг сони 53244 нафарни ташкил этди.Шу жумладан штатларнинг қисқартирилиши ва корхоналар тугатилиши муносабати билан 46716 нафар ходим ишдан бўшатилган. Бу ҳолат аксарият жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан юзага келганди. Шу сабабли ишдан бўшаган ходимларнинг 41917 нафари янгидан барпо этилган иш ўринларига жойлаштирилди. 1657 нафар ходим эса жамоа шартномаларида кўзда тутилган бандларга асосан иш берувчилар ҳисобидан қайтадан ўқитилиб, янги касб эгалари бўлишди. Вилоят, туман ҳамда шаҳар қўмиталари меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вилоят бошқармасининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб борганликлари туфайли меҳнат биржалари орқали 23388 нафар киши иш билан таъминланди.

Меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида Бешариқ, Ўзбекистон, Учкўприк, Бувайда, Охунбобоев, Қува ҳамда Тошлоқ туманларида ва Қўқон Фарғона шаҳарларида «Бўш иш ўринлари» ярмаркалари ўтказилмоқда.

Лекин вилоятдаги айрим тармоқ қўмиталари фаолиятида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида баъзи нуқсонлар ҳам мавжуд. Масалан, маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасида 2001 йилги жамоа келишувини бажарилиши раёсат йиғилишида муҳокама этилмаган. Тузилган келишувлар эса меҳнат органларида билдириш рўйхатидан ўтказилмаган. Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси тизимидаги ташкилотлар томонидан жамоа шартномаларининг бажарилишига оид статистик ҳисоботлар топширилмаган. Мавжуд бўлганларида ҳам камчиликлар бўлиб, айримларида, муҳр, сана, имзо йўқ.

Юқоридаги ютуқ ҳамда камчиликлардан хулоса чиқариб, шуни айтиш мумкинки, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ҳар бир касаба уюшма ташкилотига алоҳида масъулият юклайди. Бу борадаги вазифаларни тўлақонли бажариш ҳар бир касаба уюшма ходимининг бурчидир.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# Саволларингизга мутахассис Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

**Чет элда ишлаган вақт меҳнат стажига қўшиб ҳисобланадими?**

Чет элда ишлаган даврлар ижтимоий суғурта жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим) асосда чет элда ишлаганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар меҳнат дафтарчасига киритган қайдномаларга қараб аниқланади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишланганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, стажга қўшилади.

**Иш стажи мавжудлиги қандай тасдиқланади?**

Меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Амалдаги меҳнат Қонунчилигига биноан барча корхона, муассаса, ташкилотлар мулкчилик шакли, хўжалик юритиш усулидан қатъи назар ёлланиб ишлаётган ходимлари учун меҳнат дафтарчасини юритиши шарт. Деҳқон хўжаликлари аъзолари ва якка тадбиркорлар учун ҳам улар бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаётган ерда меҳнат дафтарчаси юритилиши кўзда тутилган. Меҳнат дафтарчасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-тартиб рақами билан рўйхатга олинган йўриқномага биноан амалга оширилади.

**Меҳнат дафтарчаси бўлмаганида ёки меҳнат дафтарчасида муайян вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисида ёзувлар бўлмаганида меҳнат стажи қандай тасдиқланади?**

Бундай ҳолларда меҳнат стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори 12-иловасида назарда тутилган «Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг 1-бандига кўра:

«Меҳнат стажи иш, хизмат, ўқиш жойидан ёки иш стажига қўшиб ҳисобланадиган бошқа фаолият амалга оширилган жойдан, ёхуд архив муассасалари томонидан берилган ҳужжатлар асосида аниқланади.

Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимларнинг меҳнат стажи ижтимоий суғурта жамғармаси органлари томонидан бериладиган маълумотномалар асосида аниқланади».

Меҳнат дафтарчаси, суғурта бадаллари тўланганлиги ҳақида белгиланган тартибда берилган маълумотлар иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат дафтарчаси бўлмаган тақдирда ёки унда тегишли ёзувлар йўқ бўлганида иш стажини тасдиқлаш учун маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, иш ҳақи бериш бўйича тўлов ведомостлари, шахсий счётлар, меҳнат шартномаси, иш даври тўғрисида маълумоти бўлган бошқа ҳужжатлар, улар ҳам бўлмаса касаба уюшмаси аъзолик билети, ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий билетлар, юқори ҳарбий идораларнинг маълумотлари, олий ёки ўрта махсус ўқув юрти кундузги бўлимида ўқиганлиги ҳақидаги маълумотнома, диплом, гувоҳнома ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин.

**Меҳнат стажини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш мумкинми?**

«Меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 22-бандида айтилишича:

Мавжуд иш стажи тўғрисида маълумотлар бўлмаган ва ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, ҳалокатлар, фалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар муносабати билан уларни олиш имконияти бўлмаса, меҳнат стажи, шу жумладан, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажи ариза берувчини бир корхона, муассаса, ташкилот, жамоа хўжалиги ёки бир тизимда у билан бирга ишлаган ва уни билган камида икки гувоҳнинг кўрсатмаси асосида белгиланади.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари бўйича белгиланган меҳнат стажи бундай ҳолларда пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган стажнинг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ





**Табиий офатлар, ҳалокатлар, фалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман йўқолган бўлса иш стажи қандай тасдиқланади?**

Бунда меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 3-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ёки вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тузилган махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

Қисман сақланиб қолган ҳужжатлар ва гувоҳномаларнинг кўрсатмалари асосида қайд этиб ўтилган комиссиялар томонидан аниқланган меҳнат фаолияти даврлари умумий стажга, шунингдек, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи махсус ҳужжатлар билан тасдиқланган иш вақти сифатида стажга қўшилади.

# ШУ ТЎҒРИМИ?

**Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради**

**САВОЛ: Мактабимизда ўқитувчи етишмаслиги туфайли мени муддатидан илгари 2 ёшгача бола парвариши таътилидан чақириб олишди. Туман халқ таълими бухгалтерияси фарзандимнинг 2 ёшгача тўланадиган пулини бермай қўйди. Бухгалтерия тутган йўл тўғрими?**

**Э.ЙЎЛЧИЕВА,**
**Сирдарё вилояти.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 234-моддасига биноан ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Аёлга, унинг хоҳишига кўра боласи 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил берилади. Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади. Сиз ўз хоҳишингиз бўйича фарзандингиз 2 ёшга тўлмай муддатидан илгари ишга чиқиб кетибсиз. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 18 феврал № 588, 35-сонли тасдиқланган Низомига биноан бола парвариши билан шуғулланган ходим фарзанди 2 ёшга етмай муддатидан илгари ишга чиқиб кетса ва тўлиқсиз иш куни билан таъминланган бўлса, бола парвариши билан шуғулланган онага нафақа берилиши тўхтатилмайди.

Бухоро вилояти "Тадбиркор аёл" уюшмасининг раиси Дилбар Аҳмедова Белградда ўтказилган Европа ва Осиё мамлакатлари ноҳукумат нотижорат ташкилотлари ассамблеяси йиғилишида қатнашди.

## ЖАҲОН БАНКИ КРЕДИТЛАРИ

Анжуманда фуқаролик жамиятида ноҳукумат ташкилотларни бошқариш масалалари муҳокама этилди, - деди Д.Аҳмедова "Туркистон-прес" мухбирига. – Биз Марказий Осиёдан борган ноҳукумат муассасалари вакиллари Жаҳон банки кредитларини олиш лойиҳаларида иштирок этиш масаласини қўйдик.

Д.Аҳмедованинг таъкидлашича, уюшма кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ниятида имтиёзли кредитлар олиш учун Жаҳон банки эътиборига бир нечта лойиҳани таклиф этди.

# ҚОНУНБУЗАРЛАР «ЧАК-ЧАК» ПОСТИДА ТЎХТАТИЛДИ

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларини ажратиб турувчи «Чак-чак» йўл патрул хизмати постидан ҳар куни турли русумдаги кўплаб автотранспортлар ўтади. Улар хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, олиб ўтилаётган юкларни назорат қилиш йўл патрул хизмати, Давлат солиқ инспекцияси ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки автомашина текшируви пайтида бироз эътиборсизликка йўл қўйилса, ноқонуний олиб ўтилаётган товар-моддий бойликлар республика ҳудудидан чиқиб кетиши мумкин.

Яқинда мазкур постда навбатчилик қилаётган вилоят Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими алоҳида батальони 1-отрядига қарашли 3-сафарбарлик гуруҳи ходимлари— милиция капитани Жума Муҳаммадиев ҳамда кичик сержант Нуриддин Рўзиевлар Термиз-Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Тико» русумли автомашинани тўхтатишди. Автомашина текшируви пайтида ҳайдовчининг ёнида ўтирган йўловчи негадир тоқатсизланаётгандек таассурот қолдирди. Бу бежиз эмас экан. Йўловчи А.К.нинг чўнтагида 55 грамм героин моддаси борлиги аниқланди.

19 AF 017 давлат рақамли ЗИЛ-130 юк автомашинаси ҳам чегара постида назоратдан ўтказилаётганида юкхонада бир тоннага яқин сабзи борлигига ишонтирмоқчи бўлган ҳайдовчи Ибодулла Бердиев чучварани хом санаётганлигини билмаган экан. Қилни қирқ ёрадиган осойишталик посбони ходимлари томонидан сабзи ости синчиклаб текширилгач, 4,5 тонна рангли металл парчалари яширилганлиги аниқланиб, ушлаб қолинди.

— Ходимларимиз асосан Ғузор, Деҳқонобод туманлари ҳудудида ҳаракатланаётган автотранспортларни назорат қиладилар, — дейди гуруҳ сардори милиция майори Жалил Ортиқов. — 105 километр республика, 72 километр вилоят, 282 километр маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомагистралларда ҳаракатланаётган турли русумдаги машиналар хавфсизлигини таъминлаш ходимларимиздан катта масъулият талаб этади. Тун-кун хизмат қилаётган 17 нафар ходимларимиз товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олмоқдалар. Жорий йилнинг 1 февралидан бугунгача 33 тонна бензин ёқилғиси, 5500 килограмм рангли металл, шунингдек, кўп миқдордаги пахта мойи ушлаб қолинди.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратда: милиция майори Жалил Ортиқов рация орқали навбатдаги хабарни қабул қилмоқда.**



# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## БОШҚИРДИСТОНДА МОТАМ

Ўтган ҳафта бутун дунё оналарини ларзага солган ҳалокат юз берди. Испанияга дам олишга кетаётган бошқирдистонлик болалар тушган «ТУ-154» ва Швейцариянинг «Боинг-757» самолётлари Германия осмонида тўқнашуви натижасида жами 71 киши дунёдан бевақт кўз юмди.

Суриштирув ишлари эса бир асно бўлсин тўхтагани йўқ. Аввалига ҳалокат учун учувчилар айбланмоқда эди. Эндиликда маълум бўлишича, диспетчерлар тўқнашув олдидан бор-йўғи 44 сония аввал ҳар икки самолёт бошқарувчиларини огоҳлантирган бўлиб чиқяпти.

Айни пайтда, Фридрихскафен шаҳар полицияси матбуот хизматининг хабар қилишича, 600 дан зиёд қутқарувчи ҳалокат содир бўлиш сабабларини аниқлашга ёрдам берадиган барча далилий ашёларни йиғиш билан машғул.

Бошқирдистон эса мотам оғушида.

## БИЗГА ИШ БЕРИНГ

Фаластин мухториятининг Ғазо музофотида кўп минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Намойишчилар илк бор нафақат Исроил, балки Фаластин мухторияти вакилларини ҳам танқид қилувчи шиорларни айтиб ўтишди.

Расмий маълумотларга қараганда, Фаластиннинг ярим аҳолиси қашшоқликда яшамоқда. Бунга энг аввало ишсизлик сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Иордан дарёсининг ғарбий қисмида ишсизлик 40 фоизга, Ғазо секторида эса бундан ҳам кўп — 50 фоизга етди. Айрим ахборот агентликларининг ҳисоб-китобига кўра, бу рақам ҳатто 80 фоизга етиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, айни кунларда тахминан 1 миллион 800 минг киши кўпгина инсонпарварлик ташкилотларининг кўмаги туфайлигина жон сақлаб турибди.

## ГРИНПИС ҲЕЧ ҚАЧОН СЎЗИДАН ҚАЙТМАЙДИ

Дунё аҳли бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилди. Босфор бўғозида Гринпис ҳаракати фаоллари ўз бортига 160 тонна ишланмаган нефт ортган танкерни «қўлга олдилар». Ушбу акция билан ҳаракат фаоллари Каспий денгизида кенг миқёсда олиб борилаётган қидирув ишларида тартиб ўрнатилишига нуфузли ташкилотлар диққатини тортишни мақсад қилганлар.

Қазилма бойлик фақат яхшиликка хизмат қилиши керак, аммо ташкилот фаолларининг фикрича, ҳозир кўпинча бунинг акси бўлмоқда.

## МАДАГАСКАРДА ҲАЁТ ИЗГА ТУШМОҚДА

Африканинг Ҳинд океанида жойлашган ороли - Мадагаскарда вазият кун-сайин изга тушиб бормоқда. Куни кеча янги президент Марк Равалуманана мамлакатнинг барча вилоятларида ўз ҳокимиятини ўрнатди. Собиқ президент Дидье Рацираканинг охирги таянчи ҳисобланган Туамасина шаҳри мэри янги президентга содиқ эканлигини маълум қилди.

## ЛАЪНАТИ ШИША!

Ҳар ким ҳар хил ўлим топади. Курил оролида истиқомат қилаётган 67 ёшли бирароқхўр охир оқибат шиша касофатидан ўлиб кетди.

Шундоқ ҳам ширакайф бўлган нафақахўрга ҳозирги ҳолати етарлича туюлмадими, яна дўконга кирди. Бир шиша ароқ сотиб олиб, зинадан тушаётганида қоқилиб кетди-ю... У ёғини юқорида айтдик; шиша синиқлари унинг йўғон қон томирини кесиб кетди. «Тез ёрдам» келганида у аллақачон бу дунё билан хайрлашганди.



## БИРЖА МАРКАЗИДА ТАҚДИМОТ

***Сирдарё вилоят биржа марказида Экспомарказ тақдимоти ўтказилди.***

Эндиликда сирдарёлик тадбиркорлар ва ишбилармонлар вилоят биржа марказида очилган Экспомарказдан ўзлари учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни топишлари мумкин. Экспомарказ Гулистон Бизнес-инкубатори ва вилоят Биржа маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

- Экспомарказда 48 та республикамиз ҳамда хорижнинг фирмаси маҳсулотлари намойиш этилмоқда,-деди марказ директори Хайрулла Жўраев "Туркистон-пресс" мухбирига.-Қисқа вақт ичида марказда беш миллион сўмлик олди-сотди амалга оширилди. Марказда тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча шароитлар яратилган. Улар бу ерда зарур ускуналар учун фирмалар билан шартномалар тузишлари, буюртма беришлари мумкин. Тадбиркор ва ишбилармонларимиз илгари ўзлари учун керак бўлган маҳсулотларни харид қилиш учун Тошкентдаги Экспомарказга ёки турли жойлардаги фирмалар ва корхоналарга қатнашарди. Эндиликда уларнинг мушкуллари Гулистонда ҳал бўлади.

Х. Жўраевнинг таъкидлашича, бундай марказ вилоятлар орасида биринчи бўлиб Сирдарёда ташкил этилди. Шунинг учун марказга қўшни вилоятлар тадбиркорлари ва ишбилармонларини таклиф этиш, чет эл фирмалари ҳамда компаниялари маҳсулотлари кўргазмаларини янада кўпроқ уюштириш ҳам режалаштирилмоқда.

***«Ишонч» фош этади***

# НАЗОРАТ ТАРОЗИСИ ЙЎҚОЛГАН... ЭМИШ

**Музрабод туман бозоридаги ажаб савдолар**

***«Қайси юртнинг ободончилигини билар бўлсанг, аввал унинг бозори билан таниш» деган экан донишмандлар. Худога шукр, бозорларимиз мўлкўлчиликдан дарак бериб, кундан-кун файзга тўлиб бормоқда. Лекин, гуруч ичида курмак деганларидек, баъзан дилни хира қилувчи манзарага дуч келасиз.***

Яқинда Сурхондарё вилоятининг Музрабод тумани бозорида бўлганимизда у ердаги тартибсизликларни кўриб ғоятда ҳайратландик. Не кўз билан кўрайликки, саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ўзини эл хизматидаман, деб юрган қўштирноқ ичидаги «тадбиркор»лар қўлида қопи билан тиралиб турган шакар, ёғ каби истеъмол маҳсулотлари гарчанд бозорга чиқарилиши тақиқланган бўлса-да, бу ерда очиқ-ойдин сотилмоқда эди. Савол-жавобларимиз ҳам ғалати кечди. Кимни суҳбатга тортмайлик, гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдек, елка қисиб тураверишди. Улар-ку майли, «Музрабод» деҳқон бозори раис муовини Саъдулло Назаров, СЭСнинг бозорлар бўйича назоратчиси Равшан Содиқов ҳамкорлигида кўздан кечирганимиз, бозорнинг қоқ ўртасида савлат тўкиб турган «Роҳат» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконидаги нохуш манзарадан баттар кайфиятимиз бузилди.

Савдо дўконида жой етарли бўлса-да, сотувчи Пардахол Осонова ташқарида 6 квадрат метр жойга маҳсулотини ёйиб қўйиб, ҳеч нарсадан тап тортмай харидор чақирмоқда. Дўкон ичида эса саккиз турдаги истеъмол маҳсулотлари пала-партиш ҳолда ётибди. Маҳсулотларни сақлаш, турли микроб ташувчи пашшалардан ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш у ёқда турсин, устини ёпиб қўйиш ҳам унутилган.

Дўкон сотувчисидан туз ва бошқа товарлар сертификатини сўраганимизда энсаси қотгандек лаб буриб, нималарнидир қидиргандек бўлди-ю, сўнг ер чизиб қолди. Бу саволга на бозор раҳбарияти, на санитария-эпидемиология бўлимидагилар жавоб қайтаролмай, мулзам тортиб қолишди. Бозордаги савдо дўконлари ва савдо корхоналарида сотилаётган, ёрлиғида «Хужаикон» туз конида қадоқланган, оғирлиги 1 килограмм деб ёзилган тузларни тортиб кўрганимизда, улар 600-700 граммдан ошмади. Боз устига фойдаланиш муддати 3-4 ойдан ўтиб кетган экан.

— Фойдаланиш муддати ўтиб кетган тузларнинг истеъмолчи учун зарари йўқми? — деган саволимизга, туман СЭС бош врачи Хушбоқ Бўронов:

— Бундай товарлар савдо дўконларидан олиб ташланиши керак, — деб фикримизни маъқуллашдан нарига ўтолмади.

Бу каби тартибсизликлар тўғрисида гап очганимизда кўнгли оғриди шекилли, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг муовини Мирза Файзуллаев деди:

— Уларнинг қўлидан товарини олиб қўйсанг прокурорга югуришади. Бир дунё маломатлардан бошимиз чиқмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 378-сонли қарорида бу ҳақда йўл-йўриқлар бор. Аммо...

Ана шу «аммо»ни тилга олиш жуда мушкул. Орқасида эса юз-хотирлик, ошна-оғайнигарчилик соялаб ётибди. Бечора истеъмолчи барча оғирликларни елкасида кўтаришга мажбур бўлади.

Яна бир гап. Бозор ҳудудида усти ёпиқ ҳайҳотдек бино бўш ётибди. Ичи ахлатга тўла. Нега фойдаланмаётирсизлар, деган саволимизга, «бу ерга ҳеч ким кирмайди», деган мантиқсиз жавобни эшитдик. Ажабо, супурилмаган уйга биров кирармиди? Ахир бу бозор-ку! Эсиз қурилишга кетган материаллар, эсиз меҳнат!

Бозордаги ушбу ҳолат ҳам диққатимизни ўзига қаратди. Маҳсулотни назорат тарозида тортиб кўрайлик, деган саволимиздан сўнг Абдулло Кенжақуловнинг ранги оқарди.

Қарангки, у назорат тарозисини йўқотиб қўйган эмиш. Патталарни эса хуши келганида йиғиштирар экан. Аҳвол шу даражада ҳукм сураверса, бозорда ўнгланиш бўлармикан?!

Гапираверсак гап кўп. Хўш, Музрабод туман бозорлари ва савдо дўконларидаги хўжасизликларга мутасаддилар нима деб жавоб беришаркин?!

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари

**Истеъдодли адиб Абдунаби Абдиевнинг «Ҳайрат жамланган оқшомлар» эссе қиссаси Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлигига муносиб кўрилди.**

**Қуйида эътиборингизга қиссадан парча ҳавола этилади.**

# САМАН ОТ РИВОЯТИ



Саман отга Сафар оқсоқолнинг кўнгли суст кетди, кўзлари олтин топганникидек жовдиради. Нарирокда эл кайвонилари ўртасида от устида сувсар телпак, чакмон кийиб, кўпкарини завқ билан томоша қилаётган Йўлдош отанинг:

-Киройи отинг бўлса, шундай бўлсада, от эмас нақ чақмоқнинг ўзгинаси, - дегани устига лампамой сепганга менгазади.

-Оғирлиги баробар олтин сўраса ҳам бериб шу отни илгимга киритмасам Сафар оқсоқол отимни бошқа қўяман, - деди у кафтининг ёриқлари жўякдек қўлларини пахса қилиб...

...«Наврўзда Йўлдош Охунбобоев Помуққа келиб элга сайл бердирармиш». Қишлоқ оралаган бу хабар бир зумда яқин-йироққа тарқалди. «Йўлдош отанинг ўзи Тошкентга борган Ҳайдар раисга ваъда берганмиш, эл отаси ўтрик гапирармиди, бораман дегандан сўнг, албатта, келади-да». Помуқдан теварак - атрофга хабарчи юрди:«Биздан сайлга деб одам келса, ўзларингизникини қолдириб бўлса-да полвонларингиз, чавандозларингизни олиб боракансизлар»,

«Ҳайдар акага айтинглар, гап бир, хабар кутамиз», чор-атрофга тарқалган чопарлар шундай бир хил жавоб олиб қайтишди.

Хабарчилар пухта ишлашган экан, сайл одам-одамни танимайдиган даражада гавжум бўлди. Курашда бош табоқни помуқлик Атоқ полвон кўтарди, пойгачилар баҳсида ҳам шу қишлоқлик ўспирин Мурод Равшаннинг қўли баланд келди. Сўнгра қурга улоқчилар чиқди, майдонни мардона, юракка сиғмай чиққан ҳайқириқлар тутди. Касбининг саманига тенг келадиган топилмади, чавандозга байроқни жумҳурият оқсоқолининг ўзи топширди:

—Исмингизни айтинг, чавандоз.

—Мамат.

— Барака топинг, Маматжон, шундай элни қувонтириб юринг...

...Касби кўчаларини қирқ-эллик ёшлар чамасидаги, ҳар елкасига бемалол бир йигит жойлашгудек одам оралади. У сўраб-суриштириб навбатдаги дарвозани қоқди:

—Мамат чавандознинг уйи шуми?

—Адашмадингиз, меҳмон, ичкариланг.

Мамат чавандоз паҳлавонкелбет нотаниш меҳмон уйига таклиф этди, дастурхон ёзиб, нон, чой, қанд-қурс қўйдирди. Чавандознинг тўнғичи лаълида палов келтирди.

—Энди хабарингизни олсак, меҳмон.

—Айбга буюрмайсиз, элчиликка келувдим.

Мамат чавандоз ҳайрон қолди:«бўйи етган қизим бўлмаса, бўлгандаям бегона юртларга узатармидим, товба, қандай элчилик экан?», у дилидагини тилига кўчирди:

—Тушунмадим.

—Шу Саман отингизга...

Чавандоз қалқиб тушди, лаблари пир-пир учди:

—Нотўғри қилдингиз, меҳмон, отга оғиз солмасангиз бўларди.

—Бизникиям бир кўнгил ишида, соқолдош.

Чавандоз ичидан зил кетди, кўз ўнгидан Саманнинг олдинги эгасининг бўздек оқарган юзи ўтди, қулоғи остида унинг бўғиқ, ҳирқироқ овози жаранглади: «Отди бировс сўрамагани дуруст, сўрагандан сўнг бериш керак, бўлмаса ўша кишининг суқи киради, сонга қўшилмайди, жон жойимдан тутдингиз, жўра, майли, от сизники».«Қизиқ, набатли дунё экан-да, - ўйлади чавандоз, - илгариги эгасини чирқиратиб саманга эга бўлгандим, энди ўз қўлим билан бошқага берадиган бўлдим, майли, соғ бўлса, кўпкариларда кўриб юрарман»...

... Сафар оқсоқол уйидаги бор бисотини сотганча белига пул боғлаб кетганининг учинчи куни Саманни етаклаб Помуққа қайтди.

—Эгаси инсофли экан, - деди у отнинг баҳосини сўраганларга. - шундай бебаҳо жониворни бор-йўғи ўттиз олти мингга берди...

... Қирқинчи йилларнинг боши, қиш аёзи чекиниб, баҳор кириб келганида елкасидан яра чиққан Сафар оқсоқол оғир ётиб қолди, не-не эшонлар келиб ўқиди, не-не табиблар келиб қарашди, фойдаси тегмади, йирик гавда тўшакка сингиб бораверди.

—Оғайни, дўхтирга кўринмасанг бўлмайди, - дейишди жонкуяр жўралари.

Сафар оқсоқол синиққина кулди, олдинги ҳазилкашлигидан асар ҳам қолмаган, бошини мажолсизгина силкитди:

—Отим нима бўлади?

—Аввал ўзингнинг соғлигингни ўйла, отга мана бизлар кафил.

Оқсоқолнинг рози бўлишдан ўзга чораси қолмади. Жўралари юк машина кабинасига киритишаётганида кўнгли бузилди:

—Отимга Нургелди сайислик қилсин, агар менга бирон кор-ҳол бўлса саманни унга...

—Қўйинг, оқсоқол, ҳали ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз...

... Қўрада боғлиқ турган Саманнинг нолиб кишнаши ўтовдагиларни сергак торттирди:

—Абдусамад, қарачи, оқсоқолнинг отига нима бўлди?

Йигитча югуриб кетди, бироздан сўнг унинг қичқириғи, туёқлар дупури эшитилди. Ўтовдагилар чопиб чиқишганда тушовни узган тулпор қўра эшигини очган йигитни судраб қишлоқ томон еларди. Саман таниш ҳовлига кириб бир кишнади, бир кишнадики оғзидан сачраган тупук атрофни ҳўллади. Ҳолдан тойган Саман гурс этиб ёнбошига йиқилди, жони чиқаётган отнинг кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш оқарди. Бу синоатдан ҳамманинг қароғи қотган, ҳеч ким ўлаётган отга тиғ тортишга журъат этолмасди. Ҳали тўпланганлар яна бир қайғули хабар - айнан шу Бешкент касалхонасида ётган Сафар оқсоқолнинг ҳам ёлғон дунёни тарк этганини билишмасди.

Ҳа, полвонлик, курашга муҳаббат помуқликларнинг асл қонида бор, мен ҳали Бобуш полвон ўн саккиз ёшидаёқ кимсан Ҳамро полвонни юлдуз санатгани, Гуллак полвон, Обод полвон ва бошқа ўнлаб асл йигитлар кураш тушган давралар, кўплаб ёркин саҳифаларни варақламадим, насиб этса уларга ҳам фурсат келар.

**Абдунаби АБДИЕВ**





# БЕБАҲО МЕРОС

*Термиз шаҳридаги «Археология» музейида бугунги кунда бебаҳо меросимиз — халқимизнинг минг йиллар мобайнида шаклланган бой ўтмишидан дарак берувчи ноёб экспонатлар сақланади. Шу кунгача музей фондидаги экспонатларнинг умумий сони 14626 тага етди.*

*Музей залларида юртимиз тарихига оид жуда кўплаб нодир экспонатларни учратиш мумкин. Буларга тош асрига оид Тешиктош ғоридан топилган неандерталь боланинг макети бронза асрига оид аёл қабри, турли даврларда ясалган меҳнат қуроллари, тақинчоқлар, будда ҳайкалларининг намуналари, лойдан ясалган терракота ҳайкалчалари Далварзинтепадан топилган кохин ва болалар тасвири туширилган деворий сурат асл нусҳаси билан биргаликда Кушон подшоларининг бюсти намуналари киради.*

*Шунингдек, Термиз Археология музейида халқимизнинг турли даврлардаги тарихи ўзига хос аксини топган.*

*Шу кунгача музейни 20 мингга яқин томошабин келиб кўрди.*

***Суратларда: Термиз «Археология» музейи; музей ходимлари Юлдуз Кенжаева, Файзулла Болтаев, Панжи Бердимуродов ва Зуҳра Нурметова.***

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ХОТИРА ТУРНИРИ

## ёш боксчилар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади

Қарши шаҳридаги «Nasaf» спорт мажмуида жойлашган вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидаги БЎСМ зали ота-оналар, ёш боксчилар ҳамда уларнинг мураббийлари билан гавжум. Бу ерда қашқадарёлик таниқли «чарм қўлқоп» устаси Баҳодир Бердиев хотирасига бағишланган учинчи анъанавий турнир ўтказилмоқда. Мусобақа бошланишига ҳали бироз фурсат бор. Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларидан ташриф буюрган, юзкўзларидан бироз ҳаяжон ила зўр қатъият яққол сезилиб турган ёш «чарм қўлқоп» ихлосмандларини кузатарканман: уларнинг айримлари худди ҳақиқий беллашувлардаги сингари хатти-ҳаракатлар билан тайёргарликни поёнига етказишаётган бўлишса, айримлари мураббийлари ўгитига қулоқ тутишмоқда. Шу аснода, беихтиёр, қизғин суҳбат қураётган икки нуроний отахон эътиборимни тортди.

— Невараларингизнинг баҳсларини томоша қилишга келибсизлар-да, — сўрайман улардан.

— Тўғри топдингиз, ўғлим, — дейди Қарши шаҳрилик нафақахўр Қаҳрамон ота Толипов. — Севимли неварам Жаҳонгир тўрт йилдан буён бокс машғулотларига қатнайди. Бир қанча мусобақаларда иштирок этиб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

— Спорт билан шуғулланишнинг қандай афзалликлари бор деб ўйлайсиз.

— Спортга ошно ёшларнинг жисмонан бақувват, соғлом бўлиши турган гап. Бундан ташқари ва энг муҳими, спортчи фарзандларимиз ўзларидан катталарга, қарияларга юксак ҳурмат-эҳтиромда бўладилар. Буни неварам ва унинг тенгқўрлари мисолида ўзим кузатганман.

— Менинг уч нафар неварам — Шерзод, Дилшод ва Аббос Ҳайдаровлар келгусида кучли боксчи бўлмоқчи, — дея суҳбатга қўшилади 75 ёшли отахон Маҳмуд Ҳамидов. — Уларнинг машҳур спортчилар бўлиб етишишига, Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшишига ишончим комил.

Дарҳақиқат, турнир беллашувларини кузата туриб, отахонлар таъкидлаганларидек ёш боксчиларнинг келажакда мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишларига тўла ишонч ҳосил қилдим. Бинобарин, эндигина 14-15 ёшни қоралаётган ўсмирларнинг маҳорати мусобақалар мобайнида тажрибали мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилди.

— Хотира турнири илк маротаба 1997 йили ўтказилган эди, — дейди мусобақа бош ҳакaми Ботир Йўлдошев. — Ўтган вақт ичида мусобақа нуфузи ортиб, иштирок этувчи жамоалар ва спортчилар сони сезиларли даражада ошди. Бир сўз билан айтганда, турнир ёш боксчиларимиз маҳоратини оширишда катта мактаб вазифасини ўтамоқда.

Дарвоқе, хотира турнири бир неча йилдан бўён вилоят касаба уюшмаларига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби маъмурияти ташкилотчилиги ҳамда Фурқат Бердиев раҳбарлигидаги «Абсолт-С» хусусий фирмаси ҳомийлигида ўтказиб келинмоқда. Т.Темиров, Б.Йўлдошев, С.Поёнов, Н.Фундикчиев, Ж.Рустамов каби бокс жонкуярлари турнирни кўнгилдагидек ўтказишга катта ҳисса қўшишмоқда.

Бу йилги беллашувларда Тошкент, Қўқон, Қарши, Қамаши шаҳарлари ва пойтахт вилоятидан келган 17 жамоанинг юз нафарга яқин вакиллари 15 вазн тоифасида баҳс олиб бордилар. Ғолибларга фахрий ёрлиқ, медал ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Музаффар НИЁЗОВ.**

«Ўзбекмузей» жамғармаси ташаббуси билан республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Маданият ишлари вазирлиги ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида ҳар ўн беш кунда жойларда тарихчи олимлар, музейшунослар иштирокида анжуман ўтказиш

## Музейлар фаолиятига эътибор

анъана тусини олмоқда. Мамлакатимиздаги йирик музейлар илмий-услубий йўналишини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилаётган ана шундай анжуманнинг навбатдагиси Бухоро давлат меъморий-бадиий музей қўриқхонасида бўлиб ўтди.

Унда жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири - Бухоронинг инсоният маънавий ва моддий маданияти тараққиётида салмоқли ўрни борлиги таъкидланди. Халқаро туризм марказларидан бири ҳисобланмиш бу шаҳар ҳудудида V асрдан XX асрнинг бошигача бўлган даврга тааллуқли тўрт юздан зиёд археологик, меъморий ёдгорлик ва турар-жой биноси сақланиб қолган.

Яқинда қўриқхона ходимлари томонидан музей ашёларининг банк маълумотларини яратишга имкон берувчи «Очиқ хазина» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

**(ЎзА).**

## ОРОМГОҲДАГИ БОҒ

Ғиждувон туманидаги "Коинот" соғломлаштириш оромгоҳида ёзги мавсумда 1300 нафар ўқувчи мазмунли ҳордиқ чиқаради.

Болаларга дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, - деди туман агросаноат мажмуи касаба уюшмаси раиси Жамшид Мансуров "Туркистон-пресс" мухбирига. – Сузиш бассейни, теннис корти, волейбол ва футбол майдончалари болалар ихтиёрида бўлади.

Оромгоҳ мутасаддилари болаларнинг овқатланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Беш гектар майдондаги боғдан олинган сархил мева-чевалар болалар дастурхонини безайди.

## Хабарлар

### ХОР ЖАМОАСИ ИЖОДИЙ САФАРДА

Истеъдодли ёш ижрочилар томонидан тайёрланган концерт дастуридан хор асарлари ўрин олди. Ёш бастакор Икром Нуриллаев яратган қатор қўшиқлар ҳам маҳорат билан куйланди.

Атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри асосида ёзилган қўшиқ айниқса кўпчиликка манзур бўлди. Бастакорнинг оҳангларига бой қўшиқлари Ўзбекистон Миллий университетининг талабалар хор жамоаси репертуаридан ўрин олди. Ижодий гуруҳ энг яхши асарлар янглиғ уларни навбатдаги ижодий сафарда маҳорат билан ижро этди.

Шуман номидаги халқаро кўрик-танловда хор жамоаси Йоган Бранснинг машҳур «Инштеллернах», Виктор Калинниковнинг «Элегия» каби қўшиқлари хор ижросида баралла янграavailable.

### САҲНАДА ТАЛАБАЛАР

«Ниҳол - 2002» деб номланган театр санъати фестивали талабалар ижодий студиялари учун навбатдаги жиддий синов бўлди. Фестивал дастурига кўпгина саҳна асарлари киритилган эди.

Энг яхши постановкалар аниқланди. Урганч Давлат университети талабалар студиясининг «Шоҳсанам қиссаси» спектакли республика фестивалида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ижодий кўрикда энг яхши режиссура учун,энг яхши саҳна безаги учун, энг яхши роль учун ҳам мукофотлар таъсис этилган эди. Бундай ютуқларни Тошкент Давлат санъат, Тошкент молия, Нукус давлат педагогика, Самарқанд тиббиёт институтлари ижодий гуруҳлари қўлга киритдилар.

### ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Ўзбек тилшунос олимлари изланишлари самарали бўлмоқда. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Кафедра профессори Шавкат Рахматуллаев эса «Ўзбек тилининг этимологик луғати» ҳамда «Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами» дарсликлари учун махсус мукофот соҳиби бўлди.

Бундан олдин олимнинг муаллифдошлигида «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати», «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати» босилиб чиққан эди.

Профессорнинг луғатшунослик борасидаги бу каби тадқиқотлари давом этмоқда.

Толмас тадқиқотчи «Тил қурилишининг асосий бирликлари» деган ўқув қўлланмаси устида ҳам жиддий иш олиб борди. Ушбу ўқув адабиёти яқин орада босмадан чиқади.

**А.АЛИЕВ**

# ХЎЖАЛИКДА ФУТБОЛ ЖАМОАСИ

*Спорт*

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, жисмонан бақувват, маънан етук авлодни камол топтириш мақсадида кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Мирзаобод туман Мирзачўл ширкатлар уюшмасидаги «Хумо» фермер хўжалиги маъмурияти ҳам бу хайрли ишдан четда қолмаётир.

Яқинда хўжалик маъмурияти ва маҳалла қўмитаси хайрли ташаббус билан чиқди. Натижада тез орада қишлоқдаги ўйингоҳ ҳашар йўли билан қайта таъмирланиб, ажойиб кўриниш олди. Иқтидорли ёшлар жамланган футбол жамоаси ташкил этилди. Жамоага футбол тўплари, спорт формалари совға қилинди. Шунингдек, ёш волейболчилар ҳам турли спорт анжомлари билан таъминланди. Айни кунда ушбу ўйингоҳ гавжум гўшага айланган.

— Спорт нафақат саломатликни мустаҳкамлайди, балки кишини маънан чиниқтириб, эзгу ишларга руҳлантиради, - дейди фермер хўжалиги раҳбари Ўктам Назаров. — Биз ана шу ҳақиқатни ўз ишимизнинг дастури деб биламиз. Дарвоқе, кечагина ўзимиз ҳам кўча чангитиб, тўп суриб юргандик. Бугун эса болаларимиз катта майдонларда беллашмоқда. Уларни баҳоли қудрат қўллаб-қувватлаш бош вазифамиз. Чунки рағбат инсонни янги ғалабаларга ундайди.

Дарҳақиқат, хўжалик маъмурияти тадбиркорлик билан топилган маблағнинг маълум қисмини ана шундай хайрли тадбирларга сарфламоқда. Қишлоқлар, маҳаллалар, ҳатто кўчалараро мусобақалар ташкил этиб, уларда ғолиб чиққанларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаб келмоқда. Етишиб чиқаётган иқтидорли ёшлар ҳам доимий эътиборда. Мақсад эса аниқ: фарзандлар камолоти, эл саломатлигига эришиш.

**Азимбек РАШИДОВ.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишлари бошқармасининг бош мутахассиси А.Застебага турмуш ўртоғи

**Екатерина ЗАСТЕБА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширди - 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 619. 1 2 3 4 5 6